IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган. Ҳужжат коди: GL0013258064

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ WL5362603177

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:** Yangi Namangan tumani Mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash bo'limi «DELUX TEXNIKA» MCHJ o'rtasida pudrat shartnomasi

**3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Yangi Namangan tuman Mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash bo'limi tomonidan 2022-yil 30sentabr kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:** Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni imzolash maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult** B.Maxmudov

2022-yil 30-sentabr

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 1.

ЯНГИ Наманган шахри . "30" _Сентябр____ 2022 йил.

Кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритиладиган Янги Наманган тумани Махалла ва нуронийларни куллаб-куватлаш булими номидан устав асосида иш кўрувчи раҳбар **А.Нурматов** бир томондан ва кейинги ўринларда "**Хизмат кўрсатувчи**" деб юритиладиган **«ООО DELUX TEXNIKA»** номидан устав асосида иш кўрувчи раҳбари М Ахмедов иккинчи томондан мазкур хизмат кўрсатиш шартномасини куйдагилар хакида туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Хизмат кўрсатувчи мазкур шартнома Янги Наманган тумани Бунёдкор МФЙ худудида Сунъий газон ётқизиш ишлари бажариладиган ишлар калькуляциясида кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича хизмат кўрсатиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Хизмат кўрсатувчига хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома бўйича Хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **87 500 000 (_саксон етти миллион беш юз минг) сумни** ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

хизмат кўрсатиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг хизмат кўрсатилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

4. Хизмат кўрсатиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Хизмат кўрсатувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Хизмат кўрсатувчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда сметага (бажариладиган ишлар калькуляцияси)га мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

сметага (бажариладиган ишлар калькуляцияси)га мувофиқ хизмат кўрсатиш майдонига зарур материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

хизмат кўрсатиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини хизмат кўрсатиш шартномалари тузилиши давомида суб Хизмат кўрсатувчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, суб хизмат кўрсатувчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

хизмат кўрсатиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда хизмат кўрсатиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Хизмат кўрсатувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субХизмат кўрсатувчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

### IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани хизмат кўрсатиш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома сметага (бажариладиган ишлар калькуляцияси)га мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган хизмат кўрсатиш майдонини объект хизмат кўрсатилиши ва хизмат кўрсатилиши тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Хизмат кўрсатувчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Хизмат кўрсатувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Хизмат кўрсатувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Хизмат кўрсатувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Хизмат кўрсатувчига сметага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Хизмат кўрсатувчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб хамда худудий газначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

10. Хизмат кўрсатувчи мазкур шартномага асосан 30 фоиз аванс тўлови тушган кундан бошлаб хизмат кўрсатишга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган хизмат кўрсатишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ____ кунни ташкил этади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

13. Буюртмачи Хизмат кўрсатувчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, аванс ўтказади, бу 26 250 000 ( йигирма олти миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

14. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

15. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Хизмат кўрсатувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

16. Буюртмачи хизмат кўрсатиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан хизмат кўрсатилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Хизмат кўрсатувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник аудитор хизмат кўрсатишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

18. Хизмат кўрсатувчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Хизмат кўрсатувчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

19. Хизмат кўрсатиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Хизмат кўрсатувчининг вазифаси ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

20. Хизмат кўрсатувчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

21. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## XI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

22. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

23. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Хизмат кўрсатувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

24. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

25. Хизмат кўрсатиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек хизмат кўрсатишни тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

26. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Хизмат кўрсатувчининг ёзма ёки оғзаки билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб ___кун мобайнида қабул қилиб олинади.

27. Хизмат кўрсатувчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

28. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XI. КАФОЛАТЛАР

29. Хизмат кўрсатувчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

31. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Хизмат кўрсатувчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Хизмат кўрсатувчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Хизмат кўрсатувчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Хизмат кўрсатувчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

32. Хизмат кўрсатувчи:

ишларнинг бажарилиши Хизмат кўрсатувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Хизмат кўрсатувчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Хизмат кўрсатувчига тўлайди.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

36. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

37. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Хизмат кўрсатувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

38. Хизмат кўрсатувчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Хизмат кўрсатувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

42. Буюртмачи билан Хизмат кўрсатувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

43. Агар Хизмат кўрсатувчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин хизмат кўрсатиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Хизмат кўрсатувчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| БУЮРТМАЧИ» | Хизмат кўрсатувчи: |
|---|---|
| Янги Наманган тумани Махалла ва нуронийларни куллаб-куватлаш бўлими | «__OOO DELUX TEXNIKA ___». |
| Манзил: | Манзили: ______________________. |
| Тел./факс | Х/Р: _ 20208000005252590001 _______ |
| ш/ҳ* 100022860144017011906259007 | Банк реквезитлари:"Капиталбанк" АТ Наманган филиали. |
| Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 308617768 | МФО: ___01085__. ИНН: _____ 307561603 ________. |
| ОКОНХ | ОКОНХ: ____________. |
| Молия Вазирлиги ягона Газна | Тел: ______________________ |
| Банкнинг номи Тошкент шахар Марказий банк бош бошкармаси | |
| ҳ/в: 23402000300100001010 | ______________________ |
| МФО 00014 | М.Ў. (имзо) |
| ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919 | М. Ахмедов |
| Раҳбар ______________ А.Нурматов | |
| (лавозим) (имзо) (Ф.И.Ш) | |

Юрист ____________________

**Янги Наманган тумани Бунёдкор МФЙ худудида сунъий газон ётқизиш ишлари учун бажариладиган ишлар**
**ПЕШХИСОБИ**

| № | НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ | ЕД.ИЗМ | СУММА |
|---|---|---|---|
| 1 | **УСТРОЙСТВО СПОРТИВНОГО ПОКРЫТИЯ ИЗ СИНТЕТИЧЕСКОЙ ТРАВЫ SPORT ELIT TURF /ТИПА POLTAN LIGATURF/** | **100М2** | **40,818,760** |
| 2 | **УСТРОЙСТВО КОЛЬЦО СТЕНОВОЕ КЦ10-9** | **ШТ 4** | **1,086,305** |
| 3 | **ИЗГОТОВЛНИЯ И МОНТАЖ ОБЪЁМНЫХ БУКВ** | **ШТ 1** | **7,850,000** |
| 4 | **ИЗГОТОВЛНИЯ И МОНТАЖ ЛЕД ПАНЕЛЕЙ** | **ШТ 1** | **12,150,000** |
| | ОСНОВНАЯ ЗАРАБОТНАЯ ПЛАТА | | **4,277,120** |
| | ОТЧИСЛЕНИЕ В СОЦ.СТРАХ 12 % | | **513,254** |
| | СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ | | **41,905,065** |
| | ИТОГО: | | **46,695,439** |
| | ИЗГОТОВЛЕНИЕ И МОНТАЖ ОБОРУДОВАНИЯ | | **20,000,000** |
| | ИТОГО: | | **66,695,439** |
| | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 12 % | | **9,391,518** |
| | ИТОГО: | | **76,086,957** |
| | НДС 15 % | | **11,413,043** |
| | ВСЕГО: | | **87,500,000** |

**Янги Наманган тумани Махалла ва Нуронийларни куллаб куватлаш булими бошлиги**

_______________ Рахбари

М.Ў

**ООО "Delux Texnika"**

_______________ Рахбари

М.Ў

# М У Х О К А М А   А Х Б О Р О Т И

30 сентябр 2022 йил   Янги Наманган т

Наманган шаҳар Ҳокимлиги томонидан 2022 йил 10 сентябрдаги **22110012148979** лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 56-58-моддалари талабларидан келиб чиқиб, харид қилиш тартиб-таомилларининг энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича, Янги Наманган тумани Бунёдкор МФЙ гузарига Танлов Хужжатларида кўрсатилган иловага асосан Суний Газон ёткизиш ва бошка курсатилган ишларни бажариш бўйича танлов харидларни амалга ошириш режалаштирилган. Шунга асосан, белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 61-62-моддалари талабларидан келиб чиқиб, танлов савдолари ўтказилди хамда DELUX TEXNIKA МЧЖ, MUBINA IYMONA FIDONA МЧЖ, томонидан таклифлар келиб тушди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича DELUX TEXNIKA МЧЖ томонидан берилган таклифлари комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди.Ушбу танлов жараёни бўйича расмийлаштирилган кунда давлат харидларини электрон тизимига муҳокама қилиш учун жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугагандан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Янги Наманган тумани махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш булими бошлиги** — **А.Нурматов**

**Янги Наманган тумани махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш булими бош хисобчиси** — **Д.Саидова**

Описание: Танлов Иштирокчисининг иш хизматларни киска муддатларда бажариши буйича кафолат хати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП MUBINA IYMONA FIDONA** | 20 | Маълумот илова килинади | 20 | Экспертная | | |
| **ООО DELUX TEXNIKA** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО DELUX TEXNIKA** | 87 500 000.00 | 87 500 000.00 UZS | 87 500 000.00 | 00.00 | 87 500 000.00 | 27.09.2022 11:37:09 | 10 |
| **ЧП MUBINA IYMONA FIDONA** | 87 500 000.00 | 87 500 000.00 UZS | 87 500 000.00 | 00.00 | 87 500 000.00 | 16.09.2022 11:07:33 | 10 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО DELUX TEXNIKA** | 83.7 | 10 | 93.7 |
| **ЧП MUBINA IYMONA FIDONA** | 81.9 | 10 | 91.9 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 148979 от 27.09.2022 года на приобретение Янги Наманган тумани Бунёдкор МФЙ гузарига Танлов Хужжатларида кўрсатилган иловага асосан Суний Газон ёткизиш ва бошка курсатилган ишлар ни бажариш определила победителем:

ООО DELUX TEXNIKA
307561603

и резервный исполнитель: ЧП MUBINA IYMONA FIDONA (308117875)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NURMATOV AKRAM AXMEDJANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAYMIRZAYEV DILSHOD BAXODIR O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUKARAMOV ABDULAXAD AXMAD O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUSAYEV FARXOD RUSTAMJANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAIDOVA DILBAROY ABDUVOXID QIZI | Согласен | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО DELUX TEXNIKA** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Айланма маблаглар тугрисида маьлумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Айланма маблаглар тугрисида маьлумотлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП MUBINA IYMONA FIDONA** | 20 | Маълумот илова килинади | 20 | Экспертная | | |
| **ООО DELUX TEXNIKA** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг шу мазмундаги ёки ухшаш иш ва хизматларни килганлиги тугрисида маьлумот(охирги 2 йиллик иш тажрибаси)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг шу мазмундаги ёки ухшаш иш ва хизматларни килганлиги тугрисида маьлумот(охирги 2 йиллик иш тажрибаси)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП MUBINA IYMONA FIDONA** | 20 | Маълумот илова килинади | 15 | Экспертная | | |
| **ООО DELUX TEXNIKA** | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Иштирокчиларнинг Мехнат ресурслари мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчиларнинг Мехнат ресурслари мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП MUBINA IYMONA FIDONA** | 20 | Малумот илова килинади | 18 | Экспертная | | |
| **ООО DELUX TEXNIKA** | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №5 Танлов Иштирокчисининг иш хизматларни киска муддатларда бажариши буйича кафолат хати

Тип: Текстовое значение

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 148979 на приобретение Янги Наманган тумани Бунёдкор МФЙ гузарига Танлов Хужжатларида кўрсатилган иловага асосан Суний Газон ёткизиш ва бошка курсатилган ишлар ни бажариш**

Способ проведения электронный

Дата 27.09.2022

Время рассмотрения 27.09.2022 18:32

Закупочная комиссия NAMANGAN SHAHAR YANGI NAMANGAN TUMAN MAHALLA VA OILANI QO?LLAB-QUVVATLASH BO?LIMI, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NURMATOV AKRAM AXMEDJANOVICH | mutaxassis | hokimiyat |
| **Секретарь комиссии** | XAYDAROVA ZARINA ISROILJON QIZI | mutaxassis | hokimiyat |
| **Член комиссии** | XAYMIRZAYEV DILSHOD BAXODIR O'G'LI | MUTAXASSIS | hokimiyat |
| **Член комиссии** | MUKARAMOV ABDULAXAD AXMAD O'G'LI | mutaxassis | Hokimiyat |
| **Член комиссии** | MUSAYEV FARXOD RUSTAMJANOVICH | mutaxassis | hokimiyat |
| **Член комиссии** | SAIDOVA DILBAROY ABDUVOXID QIZI | mutaxassis | xokimiyat |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.09.2022 года № лота 148979.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по вспахиванию земли и рассадке газонов** |
|---|---|
| Подробное описание | Янги Наманган тумани Бунёдкор МФЙ гузарига Танлов Хужжатларида кўрсатилган иловага асосан Суний Газон ёткизиш ва бошка курсатилган ишларни бажариш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 87 500 000.00 |
| Стартовая сумма | 87 500 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Корхона Низоми гувохнома, лицензия

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона Низоми гувохнома, лицензия

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП MUBINA IYMONA FIDONA** | 20 | Малумот илова килинади | 18 | Экспертная | | |

[illegible]

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

[illegible] bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DELUX TEXNIKA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

[illegible]

"DELUX TEXNIKA" MChJ

[illegible]

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.07.2020 | 870827 | ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

[illegible]

[illegible] (STIR) [illegible]

[illegible] [illegible]

Joylashgan joyi [illegible]

Guvohnoma Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI [illegible] berilgan

[illegible]